

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

15-16-сон
(151-152)
2005 й.
апрель

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

109. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони
110. «2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПФ-3596-сон Фармони
111. «Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги ПҚ-49-сон қарори
112. «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сон қарори
113. «Ҳиндистон Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 апрелдаги ПҚ-58-сон қарори

Учинчи бўлим

114. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 апрелдаги 99-сон қарори
115. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 апрелдаги 102-сон қарори
116. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 апрелдаги 103-сон қарори

Бешинчи бўлим

117. «Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2005 йил 23 мартдаги 01/06-РБН/01-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 9 апрелда 1467-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
118. «Қандим гуруҳи конлари участкаси, Хаузак ва Шади участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаси бўйича 2004 йил 16 июндаги маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 01-02/12-7, НН-В-01/10-1289, 0-2/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1468-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
119. «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 16 мартдаги ГС-05/0271/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1469-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
120. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 4 апрелдаги 2005-03-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 апрелда 1127-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
121. «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталари-

дан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

122. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ортиқча ўтказилган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни қайтариш (ҳисобга олиш) тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 8 февралдаги 26, 2005-22-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 19 апрелда 1471-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
123. «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 1 февралдаги 24-ОС/АИЛ-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 апрелда 1472-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
124. «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 апрелдаги 36, 2005-28-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 апрелда 1219-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
125. «Ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 январдаги 22, 2005-15-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 20 апрелда 1238-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 9 апрелдан 22 апрелгача бўлган маълумот

Тузатиш

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

109 Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари (иловага мувофиқ) корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга.

2. Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар — Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро Кенгаш зиммасига тўғри-

дан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этиладиган корхоналарнинг ушбу Фармон иловасида кўрсатилган иқтисодиёт тармоқларига тааллуқли эканини аниқлаш вазифаси юклатилсин.

4. Қўйидагилар белгилансин:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарлари 5 йил муддат ичида солиққа тортиладиган даромад ҳисобидан тўлаш учун ҳисобот давридан кейинги йилларга тенг улушлар билан тақсимланади;

кейинги қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда мазкур Фармоннинг 1-бандидаги имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса, ана шу муддат мобайнида амал қилади.

5. Ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонда белгиланган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қўйидаги ҳолларда қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин:

хорижий инвесторларга тўланадиган, дивиденд тарзида олинадиган даромадларга солиқ миқдори (ставкалари) кўпайиши;

хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор — жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

инвестицияларнинг миқдори бўйича инвестициялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

республика корхоналарининг устав жамғармаларида хорижий инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш бораси-

даги қўшимча тартиботлар, шунингдек хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

Бунда, юқорида кўрсатилган барча инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда хорижий инвестор мазкур кафолатни қўллаш тўғрисида тегишли ваколатли органни хабардор қилиши назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 апрель,
ПФ–3594-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги
ПФ–3594-сонли Фармони
ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун
бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодий
тармоқлари рўйхати**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

тайёр ип газлама ва жун газламалар ишлаб чиқариш;

тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

терини қайта ишлаш;

пойабзал, тайёр кўн-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш.

3. Ипакчилик саноати:

шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда ғўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати:

маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати:

гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариёғ ишлаб чиқариш.

8. Кимё-фармацевтика саноати:

дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш;

синтетик кир ювиш воситалари, маиший кимё товарлари ишлаб чиқариш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

110 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 7835 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 15505 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд — ойига 7835 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 15505 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдорида белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса — бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 3 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақиға нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақиға қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарға, болали оилаларға бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақиға

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ–3450-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ–3227-сон Фармони иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 13 апрель,
ПФ–3596-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

111 Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида

Қўнғирот сода заводини олий ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ушбу корхонада ишлаш учун жалб этиладиган мутахассисларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республика-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

си Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимини ташкил этиш, бўлимнинг ўқув-лаборатория базасини Қўнғирот сода заводи ҳудудида жойлашган муҳандислик корпуси биносига жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар ташкил этилаётган Тошкент кимё-технология институти махсус сиртки бўлимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Қўнғирот сода заводининг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали муҳандис-техник ходимларни мақсадли тайёрлаш;

институтнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари илғор технологияларни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш масалаларини бевосита ишлаб чиқаришда ўрганиш имконини берадиган ўқув жараёнини ташкил этиш;

технология жараёни самарадорлигини оширишда институтнинг илмий-педагогик салоҳиятидан ва заводнинг етакчи амалиётчи-мутахассисларидан фойдаланиш имконини берадиган олий таълим фанининг ишлаб чиқариш билан мустаҳкам интеграциясини ривожлантириш.

3. 2005/2006 ўқув йилига таълимнинг қўйидаги йўналишлари бўйича уч йиллик ўқиш муддатида бакалаврларни мақсадли тайёрлаш бўйича махсус сиртки бўлимга қабул қилиш квотаси 65 кишидан иборат қилиб белгилансин;

5522400 — «Кимёвий технология» — 20 киши;

5520700 — «Технология машиналари ва асбоб-ускуналари» — 15 киши;

5580400 — «Муҳандислик коммуникациялари қуриш» — 15 киши;

5521300 — «Электротехника, электромеханика ва электротехнология» — 15 киши.

4. Белгилансинки:

Тошкент кимё-технология институти махсус сиртки бўлимининг биринчи босқичига қабул қилиш, истисно тариқасида, кириш тест синовларисиз асосан турдош ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотида ва камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган шахслар орасидан «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва Қўнғирот сода заводининг йўлланмалари асосида давлат гранти бўйича амалга оширилади;

иккинчи ва учинчи босқич талабалари контингенти Тошкент кимё-технология институтида ва республиканинг бошқа олий таълим муассасаларида ўқиётган, Қўнғирот сода заводида контракт бўйича ишлаш хоҳишини билдирган тегишли ва турдош таълим йўналишлари талабаларини ўтказиш йўли билан шакллантирилади. Тўлов-контракт асосида ўқиётган талабаларни ўтказишда ўқитишнинг пулли шакли сақланиб қолади;

ўқишга қабул қилишда Қўнғирот сода заводи, Тошкент кимё-технология институти ва талабалар ўртасида ўқиш тамом бўлгандан кейин битирувчиларнинг заводида камида беш йил мажбурий ишлашини назарда тутувчи уч томонлама шартномалар тузилади.

5. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси уч ой муддатда Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимини жойлаштириш учун Қўнғирот сода заводининг қолдиқ қиймати 380 млн. сўм бўлган муҳандислик корпуси қурилишини тугалласин ва ўқув жараёнини ташкил этишга зарур шарт-шароитлар яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг ҳар йилги кўрсат-

кичларини шакллантиришда Қўнғирот сода заводининг кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун квотани назарда тутсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

сода заводининг эҳтиёжига мувофиқ Қўнғирот саноат коллежида техник кадрлар тайёрланишини таъминласин;

2005/2006 ўқув йили бошлангунга қадар Тошкент кимё-технология институтининг Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган буюртманомаси бўйича махсус сиртки бўлимнинг ўқув-лаборатория хоналарини Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига ўқитишнинг техник ва ахборот воситалари, лаборатория асбоб-ускуналари, кўргазмалар қўлланмалар ва бошқа зарур мулк билан жиҳозласин;

Тошкент кимё-технология институти билан биргаликда таълимнинг тегишли йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлим ўқув режалари ва дастурларини республика таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда сифатли таълим жараёнини ташкил этишда, талаб этиладиган илмий-педагог кадрлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашда Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимига доимий равишда илмий-методик ва амалий ёрдам кўрсатсин;

Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлимида ва Қўнғирот саноат коллежида ўқув жараёни ташкил этилиши устидан доимий назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси касб-хунар коллежлари негизида ўрта махсус таълим муассасаларини илгари тамомлаган ва ишламаётган шахслар орасидан 564 нафар ҳамда «Ўрганчтрансгаз» ўқув маркази негизида 26 нафар малакали ишчини икки ойда жадал тайёрлашни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ишчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сарф-харажатлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар ва молиялаштиришнинг амалдаги нормативлари асосида 2005 йилда республика олий таълим муассасаларининг харажатлари сметасига кадрлар тайёрлашга бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида тегишли ўзгартиришлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 13 апрель,
ПҚ-49-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

112 Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар банк тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва унинг айирбошлаш курси барқарорлигини кучайтириш, аҳолининг банк депозитларига қўядиган омонатлари кўпайишини рағбатлантириш, банкдан ташқари айланмада қолаётган молиявий маблағлар ва оқимларни банк айланмасига жалб этиш;

тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг устав жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш;

тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг қўламда жалб этган ҳолда қўшма банклар ташкил қилиш;

пул-кредит сиёсати воситаларини, жумладан лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истеъмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш;

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодиётнинг реал тармоқларига инвестиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши;

тижорат банкларининг корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларида кенг иштирок қилиши, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг операцияларини ва банкларнинг корхоналарни ишончли бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш;

тижорат банкларини касбий жиҳатдан юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, банк ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиққан 2005—2007 йилларда Банк секторини ислох қилиш ва ривожлантириш дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янга ташкил этиладиган банклар устав капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 2007 йилнинг 1 январига қадар қуйидаги миқдорларга етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

тижорат банклари учун — сумга айлантириб ҳисоблаганда 5 млн. АҚШ доллагача;

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

хусусий банклар учун — сумга айлантириб ҳисоблаганда 2,5 млн. АҚШ долларигача.

Тижорат банкларига банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва сотиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг жалб этиладиган депозитларини ошириш ҳисобига уларнинг активларини кўпайтириш бўйича 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда тижорат банкининг ўз капитали (регулятив капитали)нинг банк активлари умумий миқдорига нисбати 10 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас.

5. Тижорат ва хусусий банкларнинг акциядорлик жамиятларини ишончли бошқарувида фаол ҳамда кенгроқ иштирок этишлари уларнинг республика ҳудудидаги устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш учун тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишларига рухсат берилсин.

6. Тижорат банклари акциялари (улушлари) бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ва Марказий банк иштирокида 2005-2006 йилларда «Асака» банкни хусусийлаштиришни, 2005—2009 йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкни хусусийлаштиришни амалга оширсин, давлат улуши қисмини етакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг тижорат банкларига 2010 йилни ҳам ўз ичига олган даврда қуйидаги солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

банклар республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдаларини фойда (даромад) солигидан озод қилиш. Статистика ва банк ҳисоботларида банкларнинг берилган узоқ муддатли кредитлардан олган фойдалари акс этирилиши таъминлансин;

тижорат банкларининг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган кичик банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиққа тортиладиган базадан чиқариш.

9. Тижорат банкларига халқаро банк нормаларига мувофиқ синдициялаштирилган кредитларни амалиётга кенг тадбиқ қилиш, жумладан хорижий банк капиталини жалб этиш йўли билан инвестиция дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш тавсия қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва инвестиция кредитлари ажратиш бўйича коллегиял қарорлар қабул қилиш тартибини кучайтирсин;

банкларнинг лойиҳаларни инвестициялаш, инвестиция кредитлари бериш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларини юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамласин;

Банк-молия академиясида лойиҳаларни молиялаш факультети ва банк ходимлари малакасини ошириш курсларини очсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда тижорат банклари Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

тижорат банкларининг кредит портфелларини, жумладан Ҳукумат томонидан кафолатланган кредитларни комплекс таҳлил қилсин;

ҳар бир тижорат банки бўйича корхоналарнинг қарз мажбуриятларини дисконт қиймати бўйича учинчи шахсларга сотиш, банкротлик таомиллари жараёнида тугатилган ва сотилган корхоналарнинг умидсиз кредитлари суммаларини банкларнинг зарарига олиб бориш йўли билан ҳисобдан чиқариш назарда тутилган муаммоли кредитларни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқсин;

тижорат банкларининг Ҳукумат кафолати билан берилган кредитларини реструктуризациялашни таъминлаш мақсадида давлат қимматли қоғозларини чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2005—2007 йилларда тижорат банкларига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

тугатилаётган банкрот корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати билан берилган кредитлар бўйича қарзини биринчи навбатда ундириб олиш;

банкротлик тўғрисида банк томонидан қўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган, кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича қарз 70 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этадиган корхонани, суд қарори бўйича банк мулкига ўтказиш, шу жумладан бундай корхонани сотишдан олинган маблағларни кредиторлик қарзини қоплашга йўналтирган ҳолда уни маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш.

Белгилансинки, тижорат банкларининг банкротлик тўғрисида банк томонидан қўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган корхонанинг банк мулкига ўтказилиши натижасида қўлга киритилган мол-мулки янги мулкдорларга сотилмагунча мулк ва ер солиғига тортилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тижорат банклари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига, банклар ва уларнинг филиалларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар ва ишларни бажаришга жалб этишга йўл қўймаслик борасида банклар тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни кучайтирсин. Қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин, уларда банк кредитларини таъминлаш гарови сифатида расмийлаштирилган тўловни мулк ҳисобидан ундиришнинг суддан ташқари тартиби соддалаштирилиши кўзда тутилсин.

ўзининг меъёрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 апрель,
ПҚ-56-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

113 Ҳиндистон Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4—6 апрель кунлари Ҳиндистон Республикасига қилган Давлат ташрифи давомида эришилган битимлар ва ахдлашувлар амалга оширилишини ҳамда Ҳиндистон Республикаси билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Давлат ташрифи давомида имзоланган Ҳиндистон Республикаси билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган битимлар ва эришилган ахдлашувларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган вазирликлар ва идоралар, масъул ижрочилар Ҳиндистон Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган тадбирларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Давлат ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар ва битимларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 апрель,
ПҚ-58-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

114 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 мартдаги 76-сон қарорининг 8-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тузилмаси бўйича таклифлар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 апрель,
99-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 апрелдаги 99-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. II бўлимнинг 5-банди қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ички ва ташқи бозор эҳтиёжини ўрганиш асосида республика манзарали боғдорчилигини ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этади»;

ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда ўн учинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

2. III бўлимнинг 8-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:
«манзарали ўсимликлар кўчатларини ўстиришнинг илмий асосларини ҳамда истиқболли технологиялари ишлаб чиқиши ва жорий этилишини ташкил қилади;

манзарали ўсимликлар кўчатларини сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизими ишлаб чиқиши ва жорий этилишини ташкил қилади;

минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда манзарали ўсимликларни районлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни ташкил қилади;

турли хўжалик юритувчи субъектларга манзарали ўсимликлар ўстиришда илмий-методик ва ишлаб чиқариш ёрдами кўрсатилишини ташкил қилади».

3. 12-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази директори Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади.

Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази директорининг ўринбосарлари Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига қирадиган ташкилотлар раҳбарлари Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

115 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони бажариш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида» 2005 йил 6 апрелдаги ПФ-3593-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги» юбилей медалини ва пул мукофотини топиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тўлаш учун зарур ҳажмда нақд пул маблағлари билан таъминлаш тавсия этилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 апрель,
102-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 апрелдаги 102-сон қарорига
ИЛОВА

**«1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг
60 йиллиги» юбилей медалини ва пул мукофотини топшириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида» 2005 йил 6 апрелдаги ПФ–3593-сон Фармонини (кейинги ўринларда — Фармон деб юритилади) бажариш юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Фармоннинг 1-бандига мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий қисмларда, штабларда ва ҳаракатдаги армия таркибига кирган муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ва ногиронлар, шунингдек уларга тенглаштирилган:

а) 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача қирувчи батальонлар, аҳолини ҳимоя қилиш взводлари ва отрядлари таркибида собиқ СССР ҳудудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган шахслар;

б) Иккинчи жаҳон уруши йилларида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёхуд яширин ҳаракатларда бўлган шахслар;

в) Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ёки жанговар ҳаракатлар районларида хизматни ўтаган собиқ СССР Ички ишлар вазирлиги органлари ҳамда Давлат хавфсизлик қўмитаси органларининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибига кирган шахслар;

г) уруш даврида ҳаракатдаги армия ҳамда флот қисмлари ва бўлинмалари таркибида балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғли ёки юнга сифатида бўлган шахслар;

д) фронт яқинидаги темир йўл участкалари, уруш йилларида жанговар ҳаракатлар районларида мудофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлар қурилиши ишларида қатнашган ходимлар;

е) ҳаракатдаги армия таркибида ёлланиб ишлаган шахслар;

ж) Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларнинг концлагерларида (гетто ва бошқа мажбурий сақлаш жойларида) бўлган шахслар (тутқунлар, шу жумладан болалар);

з) Ленинград шахри камали даврида шаҳар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган ва «Ленинград мудофааи учун» медали билан тақдирланган, шунингдек «Қамалдаги Ленинградда яшаганга» нишони билан тақдирланган шахслар юбилей медали ва пул мукофоти билан тақдирланиш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, МХХ Давлат chegarаларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органлари мудофаа ишлари ҳудудий органларига мазкур Низомнинг 2-бандида санаб ўтилган уруш фахрийларининг рўйхатини тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тақдим этилган рўйхатларга мувофиқ медалларнинг зарур миқдорини минтақалар бўйича тақсимлайди.

4. Мукофотланувчилар рўйхати уларнинг фронтларда жанговар ҳаракатларда қатнашганлигини, уруш йилларида Қуролли кучларда хизмат қилганлигини, концлагерда бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек мукофотлаш ҳужжатлари, уруш қатнашчиси гувоҳномалари асосида тузилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган идораларнинг ҳар бири ўзларининг ҳисобида турган ногиронлар ва уруш қатнашчилари бўйича рўйхат тузадилар.

5. Юбилей медали ва пул мукофоти билан мукофотланувчилар рўйхатига:

Фармон чиққунга қадар вафот этган шахслар;

Ўзбекистон Республикасида яшовчи, лекин бошқа мамлакатлар ҳисобига пенсия олувчи шахслар киритилмайди.

Юбилей медали ва пул мукофоти олиш ҳуқуқига Фармон чиққан кунда эга бўлган шахс вафот этган тақдирда медаль ва пул мукофоти оила аъзоларига топширилади.

6. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги органлари ҳисобида турган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар бўйича:

туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан юбилей медаллари топшириш юзасидан 2 (икки) нусхадан рўйхат тузилади ҳамда бир нусхадан туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига ва ҳокимликларга тақдим этилади;

пул мукофотлари билан мукофотланадиганлар рўйхати туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан 20 (йигирма) минг сўм суммаси кўрсатилган ҳолда 2 (икки) нусхада тузилади. Ушбу рўйхатларнинг бир нусхаси туман (шаҳар) алоқа узелига берилади, иккинчи нусхаси эса туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимида қолади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари мукофотланадиганлар сони тўғрисидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига берадилар, улар ўз навбатида маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мукофотланадиганлар тўғрисидаги маълумотларни минтақалар бўйича тақдим этади.

Пул мукофотларини тўлашни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилган ҳолда республика бюджетидан маблағлар ажратади. Улар ўз навбатида қуйи шаҳар ва туман бюджетларига маблағлар ажратади, улардан маблағлар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига ажратилади, кейинчалик маблағлар «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг алоқа узелларига ўтказилади.

Тўлов амалга оширилгандан кейин алоқа узеллари туман (шаҳар) ижтимоий

таъминот бўлимларига амалда тўланган пул мукофотлари реестрлари билан ҳисобот тақдим этадилар, улар ўз навбатида молия органларига ҳисобот берадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси орқали пенсия олувчи, мазкур Низомга 2-иловада кўрсатилган шахсларга пул мукофотлари тўлаш тегишли вазирликлар ва идораларнинг таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига пул мукофотларини тўлаш учун туман (шаҳар) алоқа узелларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг тегишли бўлинмаларини нақд пул билан ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

9. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига медаллар ва пул мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан топшириш тантанали вазиятда, маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

116 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларини ўтказиш ҳамда унда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг иштирок этиши тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 64-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси мажлисига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ярим йиллик ва бутун календарь йил якунлари бўйича республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларнинг натижаларини кўриб чиқишда, шунингдек мажлисда республиканинг муайян ҳудудини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан бевосита боғлиқ масалалар кўрилаётганда тақлиф этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг календарь йилнинг биринчи чорак ва тўққиз ойлик якунлари бўйича мажлисларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли масалалар бўйича ўринбосарлари таклиф этиладилар».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 апрель,
103-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

117 Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
9 апрелда 1467-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 19 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Республика кўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат мулки объектларини аукцион ва конкурс асосида хусусийлаштириш тўғрисидаги Вақтинчалик низом (1994 йил 17 май, рўйхат рақами 54) ва унга киририлган ўзгартириш ва қўшимчалар (1995 йил 9 ноябрь, рўйхат рақами 54-1) аукцион савдоларига оид қисмида ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 23 март,
01/06-РБН/01-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

118 Қандим гуруҳи конлари участкаси, Хаузак ва Шади участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаси бўйича 2004 йил 16 июндаги маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 14 апрелда 1468-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Маҳсулот тақсимоти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 276-сонли «Маҳсулот тақсимотига оид битим шартларида Ўзбекистон Республикасининг Қандим гуруҳи, Хаузак, Шади конларини очиш ва Устюрт минтақасида геология-қидирув ишларини ўтказиш тўғрисида»ги, 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сонли «Қандим гуруҳи конлари участкаси, Хаузак ва Шади участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаси бўйича маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги **қарор қилади:**

1. Қандим гуруҳи конлари участкаси, Хаузак ва Шади участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаси бўйича 2004 йил 16 июндаги маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 март,
01-02/12-7-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Н. НАЖИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 март,
НН-В-01/10-1289-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2005 йил 25 март,
0-2/8-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ИШЛАРИ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

119 Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
14 апрелда 1469-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 24 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисидаги» Қонунига асосан, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида» низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 июлда 12-сон билан тасдиқланган «Корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш бўйича мезонлар тизими» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (1999 йил 25 август, рўйхат рақами 803 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 10-сон).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар
ишлари қўмитаси раиси Г. САИДОВА**

Ташкент ш.,
2005 йил 16 март,
ГС-05/0271/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

120 Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
18 апрелда 1127-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 28 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 27 мартда тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга (2002 йил 18 апрель, рўйхат рақами 1127) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори М. ЮНУСМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 апрель,
2005-03-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**121** Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги
корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тарти-
би тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
18 апрелда 1470-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 28 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-ки-тоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 445-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 март,
3-А/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

122 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ортиқча ўтказилган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни қайтариш (ҳисобга олиш) тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
19 апрелда 1471-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 29 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21 октябрь 2004 йил 490-сонли «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори-га (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 42-сон, 447-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ортиқча ўтказилган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни қайтариш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 февраль,
26-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 февраль,
2005-22-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

123 Аккредитация қилинган сертификатлаштириш орган-
лари ва синов лабораториялари (марказлари) фао-
лиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тас-
диқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
20 апрелда 1472-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 30 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаш-
тириш тўғрисида» Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сонли «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метроло-
гия ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарорига асосан **буюраман:**

1. Аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабора-
ториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидалари
иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-
тидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 1 февраль,
24-ОС/АЙЛ-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

124 **Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
20 апрелда 1219-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 30 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 14 январда 7 ва 2002-03-сонли қарори билан тасдиқланган «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (2003 йил 18 февраль, рўйхат рақами 1219 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 86-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 апрель,
36-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 апрель,
2005-28-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

125 Ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган
товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қий-
мат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғриси-
даги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
20 апрелда 1238-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 30 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилги «Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»-ги 610-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 52-сон, 523-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2003 йил 7 мартдаги 43 ва 2003-37-сонли қарор билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 7-8-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 442-модда) иловага* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 январь,
22-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 январь,
2005-15-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 9 апрелдан 22 апрелгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Республика қўчмас мулк биржасида аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2005 йил 23 мартдаги 01/06-РБН/01-сон қарори**.

2005 йил 9 апрелда 1467-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 19 апрелдан кучга киради).

2. «Қандим гуруҳи конлари участкаси, Хаузақ ва Шади участкалари, шунингдек Қўнғирот участкаси бўйича 2004 йил 16 июндаги маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 01-02/12-7, НН-В-01/10-1289, 0-2/8-сон қарори.*

2005 йил 14 апрелда 1468-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 апрелдан кучга киради).

3. «Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилинини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 16 мартдаги ГС-05/0271/1-сон қарори.*

2005 йил 14 апрелда 1469-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 24 апрелдан кучга киради).

4. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 4 апрелдаги 2005-03-сон буйруғи.*

2005 йил 18 апрелда 1127-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 апрелдан кучга киради).

5. «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Рес-*

* Мазкур Низом давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан «Давлат мулки объектларини аукцион ва танлов асосида хусусийлаштириш тўғрисидаги вақтинчалик низом» (1994 йил 17 май, рўйхат рақами 54), унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг (1995 йил 9 ноябрь, рўйхат рақами 54-1) аукцион савдоларига оид қисми ўз кучини йўқотди.

публикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 мартдаги 3-А/1-сон қарори.

2005 йил 18 апрелда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 апрелдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ортиқча ўтказилган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларни қайтариш (ҳисобга олиш) тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 8 февралдаги 26, 2005-22-сон қарори.*

2005 йил 19 апрелда 1471-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 29 апрелдан кучга киради).

7. «Аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) фаолиятини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 1 февралдаги 24-ОС/АИЛ-сон буйруғи.*

2005 йил 20 апрелда 1472-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 апрелдан кучга киради).

8. «Экология солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 апрелдаги 36, 2005-28-сон қарори.*

2005 йил 20 апрелда 1219-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 апрелдан кучга киради).

9. «Ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 январдаги 22, 2005-15-сон қарори.*

2005 йил 20 апрелда 1238-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 30 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Корхоналарнинг иқтисодий ночорлигини аниқлаш бўйича мезонлар тизими. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналари ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (1999 йил 25 август, рўйхат рақами 803).*

Адлия вазирининг 2005 йил 14 апрелдаги 59-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Тузатиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3590-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 100-модда) куйидаги тахрирда ўқилсин:

«100 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил қилиш тўғрисида

Парламент тизими ислоҳ этилганлиги ва икки палатали парламент тузилганлиги, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиби ва технологияси ўзгартирилгани муносабати билан, қонун ижодкорлиги иши сифатини ошириш ва унинг барча босқичларида эксперт баҳолари ролини кучайтириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти мақомини аниқлаш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти мақоми ўзгартирилсин, у Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (кейинги ўринларда — Институт деб юритилади) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Институт Устави, тузилмаси ва лавозимлар рўйхати 1*, 2* ва 2а**-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, Институт:

юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб беради;

Институт директори, Институт директорининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва озод қилинадилар;

Институт фаолиятига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси Хизмати томонидан амалга оширилади.

3. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш барча босқичларида чуқур асосланган эксперт баҳолари ва хулосаларини тайёрлаш;

мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилишини тизимли таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан мустаҳкам ҳамкорликда қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва унинг ўтиши борасида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қонунларда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва қоидалари тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланиши, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлиги мониторинги;

* 1, 2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 2а-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқлигини ўрганиш; қонунларнинг лойиҳаларида умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тамойиллари ҳамда нормалари устуворлигига риоя этилишини таҳлил қилиш;

хорижий парламентлар, айнан шундай қонун ҳужжатлари мониторинги институтларининг иш тажрибасини ўрганиш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияномалар бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С. Раҳимов):

2005 йилдан бошлаб ҳар йили илм-фанга кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Институтни сақлаш, техника билан жиҳозлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маблағ ажратсин;

Институтга 2005 йилда ташкилий техника, компьютерлар сотиб олиш, ахборот матбаа нашрларига обуна ташкил қилиш учун Институтнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратсин.

5. Давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Институт ходимларига жорий этилсин ҳамда 3-иловага* мувофиқ Ягона тариф сеткаси бўйича ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари тасдиқлансин.

Институт директори мақоми, меҳнат ҳақи, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосарига, директор ўринбосари эса — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бош консультантига тенглаштирилсин. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимлари учун белгиланган тиббий таъминот шароитлари Институт ходимларига жорий этилсин.

6. Институт қуйидаги манзил бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносига жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси белгиланган тартибда Институтнинг жойлашувини, унинг офис мебелли, компьютер техникаси ҳамда Институт ишини ташкил қилиш учун зарур бўлган бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини, белгиланган лимитларга мувофиқ транспорт воситалари ажратиб берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бир ой муддатда Институтни белгиланган тартибда алоқа, жумладан ҳукумат алоқасининг зарур турлари ва воситалари билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чет эллардаги айнан шундай институтлар ва ташкилотлар билан халқаро мулоқотларни амалга оширишда Институтга ёрдам кўрсатсин.

9. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари Институт томонидан уставдаги вазифаларни бажариш учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-таҳлил ҳисобот материалларини Институт сўровномаси бўйича тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Институтни ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва тарихий мавзулардаги нашрлар билан унинг кутубхонасини таъминлаш учун 1 нусхадан матбаа ва китоб маҳсулотининг назорат нусхаларини бепул олувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

11. Институт Ўзбекистон Республикаси қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси вазир-

* 3-илова берилмайд.

ликлари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари бир нусхадан юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

12. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Р. Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 апрель,
ПФ-3590-сон»